

O'ZBEKISTON


OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

САЙЛОВГА ОИД
АДАБИЁТЛАР
КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси Ёшлар ахборот марказида шу йилнинг 26 декабрь куні мамлакатимизда ўтадиган муҳим сиёсий воқеа - парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сайловига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

«Икки палатали парламент сари» мавзусидаги ушбу кўргазмада қонунчилик, сайловга оид сиёсий адабиёт, плакатлар ва бошқа материаллар билан танишиш мумкин.
(ЎзА)



ПАРЛАМЕНТНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, САЛОХИЯТИ
ЭРТАГА КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИГА,
КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ ЭСА ҲАР БИРИМИЗ
ЎЗ ФУҚАРОЛИК БУРЧИМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА
АНГЛАШИМИЗГА БОҒЛИҚ

Демократик тамойиллар

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВ

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВДАГИ
КАМ АҲАМИЯТГА ЭГА ЭМАС. ЧУНКИ УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ СЕНАТИ ШАКЛЛАНАДИ

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ислохотларининг таркибий қисмидан бири сифатида маҳаллий вакиллик органларини демократик мезонлар асосида ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Утган давр ичида амалга оширилган ислохотлар натижаси ўлароқ маҳаллий вакиллик органлари халқроқ меъёрлар талаблари даражасига яқинлашмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари бўлган халқ депутатлари Кенгашлари ўз табиғати биноан халқ томонидан умий, яширин, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланиб, халқнинг турли ижтимоий табақалари вакилларига айланадилар. Сайловчилар уларга ўзларининг баъзи бир ваколатларини ҳам бериб, депутатлар воситасида ўз вакилларига эга бўладилар. Қолаверса, сайловлар жараёнида сайловчилар ўз вакилларини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Сайловчилар маҳаллий давлат ҳокимияти органларини бошқариш ишларида ўз вакиллари орқали, сайловлардаги иштироки билан эса бевосита иштирок этадилар. Шу билан бирга халқ депутатлари тизимида жамиятдаги турли ижтимоий табақалар ўз манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этадилар, улар қондирилишини талаб қиладилар. Шу тариқа фуқаролик жамиятига хос бўлган турли хил манфаатларни қилиштириш, қондириш жараёнида амалга ошади.

Халқ депутатлари Кенгашлари воситасида халқ ўзининг манфаатларини ифода қилар экан, улар бу кенгашлар фаолиятида давлат манфаатлари билан мулоқотга киришади, ўзаро манфаатдорлик асосида давлат ва турли ижтимоий табақалар манфаатлари уйғунлашади.

Маълумки, жамиятимиздаги ислохотларнинг боришида қонун устуворлиги тамойили амал қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг барча ваколатлари ва вазифалари Конституция ва қонунларда аниқ, равшан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига биноан, вилоят, туман ва шаҳарларда (туманга бўйсунмаган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилигидаги халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини қўлаб, ўз ваколатлари доирасидаги функцияларни бажарадилар.

Конституциянинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қуйидаги ваколатлари мустаҳкам белгилаб қўйилган:

- қонунийлиги, ҳуқуқий-тартиботи ва фуқароларнинг ҳаёқисизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш;
- бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати ақтларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

2-бем

Дуққам, сайлов яқин!

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги унинг талабларига қай даражада жавоб беради?

Ўзбекистонда сайлов биринчи бор ўтказилмапти. Бу борада юртимизда маълум тажриба тўпланган. Тенглик, ошкоралик, яширин овоз бериш, адолатлилик асосида мамлакатимиз сайлов қонунчилиги изчил такомиллашиб бормоқда. Мукаммал сайлов тизими вужудга келиши учун халқроқ миёсда кенг тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун қатор халқроқ конференциялар ташкил этилмоқда. Тошкент Давлат юридик институти томонидан Марказий сайлов комиссияси, БМТнинг Тараққиёт дастури, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Япониянинг Нагоя университети ҳамкорлигида ўтказилган «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқроқ стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» деб номланган халқроқ давра суҳбати шулар жумласидандир.

Давра суҳбатида Олий Мажлис депутатлари, вакиллари, муассасалар, раҳбарлари, сиёсий партиялар, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, шунингдек, Буюк Британия, Хиндистон, Қозғистон, Қирғизистон, Россия, Словакия, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркиядан ташриф буюрган мутахассислар ва мамлакатимиздаги хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, халқроқ ташкилотларнинг экспертлари, Ўзбекистондаги хорижий фондлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этадилар.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигида ижроия ҳокимият органларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш бекор этилганлиги, сайлов кампаниясида сиёсий партиялар давлат томони-

дан молиялаштирилиши, сиёсий партиялардан депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун ўринлар квотаси белгиланганлиги, ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш имконияти демократик тамойилларга тўла мос келиши халқроқ ҳамжамият томонидан қайд этилмоқда. Давра суҳбати иштирокчилари сайлов округлари ва сайлов участкаларини тузиш, улар фаолияти ва сайлов комиссиялари ишини тўғри ташкил этиш, депутатликка номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёни, сайловчилар рўйхатини тузиш, сайлов кампаниясининг бориши, сайловдаги тарғиботлари, номзодлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаш, сайлов натижаларини аниқлаш, депутатларни рўйхатдан ўтказиш, сайлов натижаларини матбуотда эълон қилиш ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

2-бем

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

устав фаолиятининг бош мақсади — одамларнинг Конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати ишончли ҳимоя қилиниши таъминланиши учун изчил кураш олиб боришдан иборатдир

КЎРГАЗМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзэксмарказда «TEXTILE EXPO UZBEKISTAN» биринчи халқроқ кўргазмаси ўз ишини давом эттирмоқда.

Бу ерда дунёнинг 14 мамлакати — Австрия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Италия, Эрон, Хиндистон, Хитой, Россия, Туркия, Швейцария, Чехия, Япония ва мамлакатимиздан 70 га яқин фирма ҳамда компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Уч кун давомида кўргазмага ташриф буюрганлар нафақат хорижий, балки ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчиларнинг хилма-хил маҳсулотлари билан ҳам танишади. Улар орасида Shark model, Kabool Textiles, Kabool Fergana каби корхоналар алоҳида ажралиб туради. Масалан, Kabool-Uzbek корхонаси хорижга пахта ва йиғирилган ипдан тайёрланган матолар жўнатади. Йиллик экспорт ҳажми 75 миллион АҚШ долларидан ошади.

Умуман, бу ерда тўқимачилик ва тикувчилик ускуналари, тўқимачилик санатидега кимё, ишлаб чиқариш технологиялари, ипли ва бўз матолар, синтетик толалар ва матолар, гиламлар, трикотаж ва пайпоқлар, машиный тўқимачилик, мода ва кийимларни моделлаштириш каби бўлимлар билан танишиш мумкин.

Суратда: кўргазма ишидан лавҳа.
Дилшод Юсупов (ЎзА) олган сурат



«Пахта — 2004»

ТАНТИ, ЗАҲМАТКАШ ВА ЛАФЗИ ҲАЛОЛЛАР

самарқандлик пахтакорлар 235 минг тонналик ҳосил етиштириб, бу йил ҳам йиллик шартномавий режани шараф билан бажардилар

андижонликлар 310 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этишди

Одатда, қишлоқ хўжалигидаги галаба рапортлари тўртта рақамдан иборат бўлади: режа шунча эди, бунча бажардик... Яна шунча берамиз, бунча соф фойда оламиз...

Одамлар ҳам кўпгина бу рақамларни шарҳлаб ўтирмайдида, фойдаларни тарбиклаб қўя қолишади. Аслида маррага етиб келган деҳқоннинг гапи шу тарзда бўлади... У бундай қувончли кезларда йил бўйи ҳавонинг иссиқ-совуғида тинимсиз ишлагани-ю, эрта баҳорда қор аралаш туپроқ чангаллагани — ҳеч бирини айтиб ўтирмайди, нолиш ва мақтанниши ор билди... У — танти, у — заҳматкаш, у лафзи ҳалол Бобў деҳқон авлоди...

— Хар қандай ютуқ меҳнат эвазига бўлади, — дейди вилоят ҳокимиятининг биринчи ўринбосари Шодикул НИШОНОВ. — Утган йилнинг кузи ва бу йил баҳорда ерларнинг оби-тобидида шудғоридан сўнг уни ўйитлар билан тўйгазиб малҳамлантирдик. Агротехник тадбирлар ижроси ва бошқа воситалар таъминоти — ҳаммаси жойида бўлди. Вилоят иқлимига мос, тажрибада синналган «Оқдарё — 6», «Омад» каби пахта навлари танланди. Энг асосийси — ернинг чинакам эгасини топиб беришга интилдик. Тўла фермер хўжалиқларига айлантирилган Пайариқ тумани тажрибаси бунга ёрдам берди. Икки йилдири, муттасил ортада юрган туман энди биринчилар қаторига чиқиб олди...

— Вилоят пахта хирмони юксалишида бизнинг АТ «Пахтабанк» вилоят бошқармаси жамоаларининг ҳам баҳоли-қудрат хисоси борлигидан хурсандимиз, — дейди бошқарма бошлиғи ўринбосари Шўқор ХУДОЙБЕРДИЕВ. — Айниқса, терим мавсумида унинг иштирокчиларга дастлабки кезларда иш ҳақларини хар беш кунда, октябрь ойидан бошлаб эса хар кунни даланинг узидабэк нақд тўлаб борганимиз кунлик иш суръати ва саломатининг ошишида катта аҳамият касб этди. Мавсум бо-



Пайариқ туманидаги «Файзиобод» фермери хўжалиқлари уюшмасига қарашли «Абдулла ота — 1» фермер жамоаси бу йил 10 гектар ерга чигит экиб, гектар бошича 35 центнер ўришга 45 центнердан ҳосил кўтарди. Олинган соф даромад 1,5 миллион сўм бўлиши кўзда тутилмоқда.

Суратда: жамоа раҳбари, ЎзХДП аъзоси Сайёра Аҳадова

шидан буён 8,5 миллиард сўм маблағ меҳнаткашларга шу тарзда тарқатилди...

Нормурод ОМОНОВ, вилоят «Пахтаасаноат» уюшмаси раиси:

— Хомашёнинг 86 фоизи (199 минг 372 тонна) биринчи навларга олинди. Бу — Утган 2003 йилга нисбатан 18 фоиз кўп.

Вилоят пахта хирмони юксалишига катта хисса қўшган ва мамлакатимиз Президентини табриқдан бағоят руҳланган Нарпай туманидаги Ойбек номили, Алишер Навоий номили, «Бўстон», Пахтачи туманидаги Қ.Ражабов номили, Ш.Назаров номили, «Зиёвуддин» сингари хўжалиқлар ва Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом туманларининг қатор жамоаларида шу кунларда ҳам терим суръати сусаймаган.

Шўҳрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Олпоқ пахта, осмонўпар хирмонлар деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига бунёд бўлади. Эрта баҳордан кеч кузгача далада жавлон урган, чигит қадаб, ёзани парваршиш қилган миришкорлар заҳмати тарози палласига қўйилаётган шу кунларда, Бободехқон шаънига бир оғиз ширин сўз айтмоқ, унинг кучига — куч, ғайратига — ғайрат қўшади.

Поп тумани Наманган вилоятида энг кўп пахта етиштиришга қараган ҳудудлар сирасига қиради. Улар жорий йилда 17172 гектар ерда ҳосил етиштириб, қабул пунктларига шу кунгача 31989 тонна «оқ олтин» топширдилар.

Бугунга келиб бир қатор ширкат хўжалиқлари шартнома режасини бажариб, юзлари ёруғ бўлди. Улардан «Дустлик» — 1830, Ш.Мирсултонова — 1260, «Водий»-ликлар — 511 тонна пахта тайёр-

Хар гектар пахтазордан 28,6 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ялпи ҳосилнинг 85 фоизи биринчи навга сотилди.

Булар — вилоятда яратилган ўзига хос технология аъёналари асосида астойдил меҳнат қилинганлиги ва деҳқону мутахассисларнинг ҳамкорона ҳаракатлари натижалари бўлиш билан бирга, дала ахлининг сўнгги кезларда моддий ва маънавий манфаатдорлиги ошиб бораётганлиги самараси ҳамдир.

Айни шундай омиллар ҳисобига йиллик шартномавий режаларини биринчилардан бўлиб бажарган Жалақудук, Хўжаобод, Избоскан, Булқоқоши, Балиқчи, Олтинқул, Марҳамат, Қўрғонтепа, Шаҳрихон туманлари миришкорлари вилоят хирмонига муносиб хисса қўшдилар. Масалан, Шаҳрихон тумани пахтакорлари хар гектар ер ҳосилдорлиги бўйича вилоятда энг юқори кўрсаткич — 32 центнерлик маррага эришдилар. Академик Т.Саримсоқов номили ширкат хўжалиги деҳқонлари 42 центнердан ҳам ошириб ҳосил йиғиб олишди.

Олинган даромаднинг муайян қисми қишлоқ инфратузилмаси билан боғлиқ муаммолар ечимига йўналтирилади.

— Қўлга киритган галабамиз муносабати билан мамлакатимиз Президентини йўлаган табрик, — дейди Жалақудук туманидаги «Кўштепа» ширкат хўжалиги аъзоси Севара ҚОРАБОЕВА, — хар бир андижонлики терим суръатини бўшаштирмаган ҳолда келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратишга ҳам ундамоқда. Етиштирилган ҳосилнинг бирор миқдори ерда қолмайди, айни пайтда кузги-қишки юмушларга ҳам хар йилгидак барвақт киришаверамиз...

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Хали даладада ҳосил бор. Поллик миришкорлар пахта-нинг сўнгги миқдорини ҳам қолдирмасдан териб олиб, режани бажариш, мавсумни ёруғ юз билан яқунлаш учун ҳаракат қилишмоқда. Фаррух ХАМРОЕВ, Шўҳрат АҚРАМОВ (фото)

Суратда: «Водий» ширкат хўжалиги раиси (чапдан) Ж.Матюров, ҳосилот А. Сиддиқова, бош нудратчи И.Мадаминовлар пахта сифатини кўздан кечиришмоқда.

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA NAMKOR!

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Bija@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALQOBANK —
aniq, tez, ishonchli!

Тел: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alqobank.uz E-mail: info@alqobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ВА КОНСТИТУЦИЯ

Палаталарнинг келишувига биноан, қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Конституциянинг 89-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти айти вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» — деган сўзлар чиқариб ташланди. Ушбу моддага биноан «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир» деб мустаҳкамланди. Бу мамлакатимизда фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётганидан дарак беради. Бундан ташқари Конституциянинг 97-моддасида «Ваколати туғатиш муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди» деб белгиланди.

Конституциямизга киритилган муҳим ўзгариш ва қўшимчалардан бири сайлов тизими билан боғлиқ эканлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. 117-моддага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлича уларнинг конституциявий ваколат мuddати туғайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов бўлишида» (янгиланган) ва «Ўзбекистон Республикаси Қонунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Қонунчилик палатаси ва Сенатига сайловларни ўтказиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди. Бунга биноан Қонунчилик палатасига сайловлар умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тулган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Қонунчилик палатасига сайлашни ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тулган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар. Қонунчилик палатасига депутатлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар» деб ёзилган. Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов бўлишида»ги Қонуннинг 3-моддасида ҳам фуқароларнинг жинси, ирки ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ва ижтимоий мавқеи тегишлича уларнинг конституциявий ваколат мuddати туғайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов бўлишида» (янгиланган) ва «Ўзбекистон Республикаси Қонунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

эмас ва сайловда қатнашмайди.

Шунингдек, Қонун тақрири овоз бериш, Сенат аъзоларининг яқунлари, устидан шикоят бериш, Сенат аъзоларининг тақрири сайлови ва бошқа моддалар билан бойитилган.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатларида сайловлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасига кўра, сайловларни ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлари ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо вақолатларига сохта ёзувлар қилиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш жиноят деб ҳисобланади. Фуқароларнинг депутат ёки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ўз ваколатларини эркин амалга оширишлариغا зўриқ ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ёки оғдириб олиш йўли билан тўқсинлик қилиш жиноят ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Генжа муарод ПИРЖАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси

«Қиш гамини ёзда ө, ёз гамини қишда» деган нақл бор. Бунга амал қилаётган кўпгина ҳокимликлар, идоралар, оқсоқоллар йиғинлари раҳбарлари қишга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Аммо шундай кунларда Қорақалпоғистон Республикасига берилаётган газ лимитлари иқлим шароитига кўра етарли эмас. Биласиз, ҳудуд об-ҳавоси кескин ўзгаришчан: қиш соғуқ, ёзи жазирама... Боз устига «қарздорлиги кўп» деган баҳона билан газ таъминотида узиллишлар бўлиб турибди.

Ҳа, қарзлар кўп. Бу йилги деҳқончиликни ҳисобга олганда ўтган йиллар қўрқоқчилиги ва оғир экологик муҳит минтақа шаҳар ва туманлари, овуллари ҳақда қишлоқлари иқтисодиётини хийла заифлаштириб қўйди.

Мана, бу йилги қиш ҳам барвақтроқ келаяпти, чоғи. Унга тайёргарлик қандай? Кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаб беришни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бахт МУРТАЗАЕВдан илтимос қилдик.


— Гапни ортиқча изоҳларсиз, тўғридан-тўғри кўрилаётган чоралар ва қилинган ишлардан бошлай қолай. Шу йилнинг 15 октябрь ҳолатига кўра 4 қозонхона, 5,1 километр узунликдаги иситиш тармоқлари, 39,9 километр газ қувурлари, 32 та мактаб, 25 та болалар боғчасида мукамал таъмир ишлари бажарилди. 4,7 минг тонна кўмир, 2,1 минг тонна суюқ ёнилги, 0,8 минг тонна техник туз жамғариб қўйилди. Булар ҳудуддаги иқтисодиёт тармоқларининг кузги-қишги эҳтиёжи ва уларнинг барқарор ишлаши учун тўла етарли.

— Ажратилган газ лимитидан қандай фойдаланиляпти? Исрофгарчиликка йўл қўйилаётган жойлар ҳам борми?

— Қорақалпоғистон бўйича шу йилнинг ўтган 9 ойи учун 1 млрд. 202 млн. м³ табиий газ лимити ажратилган. Унинг 1 млрд. 83 млн. м³ дан фойдаланилди. Ноконуний фойдаланишга йўл қўймастик ва самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда шаҳар ва туманларда рейдлар ўтказилди. Масалан, ўтган ойлар давомида газдан 146 та ноконуний фойдаланиш ҳолати аниқланди. Уларнинг 125 таси хонадонлар соҳиблари ва 21 таси юридик кўтарилди-ю, лекин соғуқ кунлар аллақачон ортада қолган.

ҚИШ ЭШИК ҚОҚАЯПТИ, ТАЙЁРМИСИЗ?

УНИНГ НАФАСИ КЕЛИБ ҚОЛДИ: ОСМОНДА ПАҒА-ПАҒА БУЛУТЛАР: ГОҲ ЁМҒИР, ГОҲ СОВУҚ...



— Кейинги 5-6 йилдан бери қиш ойларида газ босими бирдан пасайиб кетаяпти. Сабаби нимада?

—2002-2004 йилларнинг қиш ойларида «Газли-Нукус», «Бухоро — Урал» магистраль газ тармоғида босимнинг кескин тушиб кетиши натижасида тармоқнинг охириги участкаларида жойлашган Беруний, Чимбой, Қораўзақ, Ташкент туманлари ва бошқа қатор ҳудудларда босим 2 кг/см² дан 0,1 кг/см² гача тушиб кетди. Натижада аҳолининг газ таъминоти етарли бўлмади. Бу ҳол 2003 йилнинг март ойигача давом этди. Кейин тармоқда босим кўтарилди-ю, лекин соғуқ кунлар аллақачон ортада қолган.

— Муаммонинг ечими борми? — Ҳаракат қилаёلمиз. Нукус шаҳрини етарли газ бо-

сими билан таъминлаш йўлида Нукус тумани ҳудудига Шўркўл АГРСи ва узунлиги 6 км. д-377 мм. газ тармоғи қурилиб фойдаланишга топширилди. Кўнгирот туманида Олтинкўл АГРСи, Беруний туманида Қизилқалъа АГРСи қурилишлари ҳам ту-

тутатилди. Энди истеъмолчиларга кўмир тўғридан-тўғри «Ўзбеккўмир» АЖ томонидан ташиб бериладиган бўлди... Айтиш мумкин, бироз қийинчилик туғдириши, табиий. Чунки, бунинг учун олдиндан маблағ ўтказилиши қўйилиши керак... Айланма маблағ эса етишмайди...

— Мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар ва Меҳрибонлик уйлари каби муассасаларни қишдан олиб чиқиш учун бюджетдан етарлича маблағ ажратилиши борасида нима қилинапти?

— Улар учун 2004 йилнинг кузги-қишги мавсумида кўмирга 84,1 млн. сўм, суюқ ёнилги 214,7 млн. сўм ажратилиши режалаштирилган. Шу йилнинг 15 октябрь ҳолатига кўра, 4600 тонна ўрнига 4800 тонна кўмир ва 95 фоиз ҳажмида суюқ ёнилги ғамлаб олинди. Тасдиқланган тадбирларга кўра, иситиш тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари 5,2 км. ўрнига 7,2 км. (111%), трассаларни изоляциялаш — 8,5 км. (106%) бажарилди.

Уй-жойларни таъмирлаш ишлари шаҳар ва туман ҳўкмиликларига бўлиб берилди. Шунингдек, марказлашган иссиқлик қозонхоналари барқарор ишлашини таъминлаш учун Коммунал иссиқлик хизмати акциядорлик жамияти томонидан 800 тн. суюқ ёнилги захираси ҳам яратилди...

Қисқасини айтганда, Қорақалпоғистонда қиш мавсумига жиддий ҳозирлик қўйилди. Лекин тайёргарлик даражасини айтиб бериш қўйиб қолган бўлади...

Сўхбатдош: Райимбой ЭШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АРИЭЛЬ ШАРОННИНГ ЯНГИ РЕЖАСИ



Овоз беришдан сўнг Шарон бу режага қарши чиққан икки вазири бўшатиб юборди. Яна тўрт вазир Ғазо минтақасидан яҳудий аҳолини кўчириш масаласида референдум ўтказилмас эътиборларини топширишларини айтган.

Бирок бош вазир бу режа фаластинликлар билан тинчлик ўрнатишини ягона йўли эканлигини таъкидламоқда. Шароннинг бу режасини ҳаётга тадбиқ қилиш учун энг катта муаммо Ғазо минтақасини тарқ этиши керак бўлган яҳудийларга тоvon пули тўлаш масаласидир.

Аризель Шарон Ғазодан аҳоли билан бирга уларни қўриқлаб турган армия ҳам чиқарилишини, минтақанинг қуруқлик, денгиз ва ҳаво чегараларини назорат қилишни Исроил давом этиришини айтган.

СУРИШТИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА




Бесландигои воқеалар оқибатларини ўрганиш учун ўтказилган суриштирувлар натижасида уч нафар шимолий осетиялик ва ингушетиялик милиция ходимига айбномалар қўйилди.

Шимолий Осетиянинг Правобережный райони ички ишлар бўлими бошлигининг 2 нафар ўринбосари ва уларнинг Ингушетиянинг Малгобек районидида фаолият юритиб келган ҳамкасблари ўз вазибаларига нисбатан белвсандлик билан ёндашуви туфайли одамлар ўлимига сабаб бўлганлигида айбланмоқдалар.

Олиб борилган тергов натижасида жангарилар Бесландигои Ингушетия ва Чеченiston билан чегарадош бўлган Псидих қишлоғидан кириб келганлиги аниқланди. У ердан Бесландига 20 дақиқалик йўл босиб ўтилса ки-фоя.

УЧ ТОМОНЛАМА САММИТ



Берлинда Франция ва Германия вазирлар маҳкамаларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу сафар Жак Ширак ва Герхард Шредерга Туркия бош вазири Режеп Эрдоган ҳам қўшилди.

Вазирлар маҳкамаларининг қўшма мажлисида Францияда немис тили, Германияда эса француз тили ривожлантириш режалари муҳокама

зокаралар жараёнида Туркияни қўллаб-қувватлашга ваъда беришди.


КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ



Ҳиндистон раҳбарияти Покистон Президенти томонидан олга сурилган таклифни босқинлик билан қабул қилди. Гап шундаки, Парвез Мушарраф Ҳиндистонга Қашмирни биргаликда бошқаришни таклиф қилган.

Ҳиндистон томони фикрига кўра, бу каби таклифлар билан оммавий ахборот воситалари орқали эмас, балки расмий каналлар орқали муносабат қилиш керак.

Покистон Президентининг бу таклифи мамлакатда кўпга баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Покистоннинг бир неча мухолифат партиялари бу қадамни сотқинлик дея баҳолашмоқда.



ЗИЛЗИЛА РҲЙ БЕРДИ

Япониянинг Ниигата префектурасида Рихтер шкаласи бўйича 6 балли зилзила рўй берди. ННК телекомпаниясининг хабар беришича, зилзила оқибатида 30дан ортиқ одам ҳазирдан кўз юмди, 3000дан зиёд киши жароҳатланди. Префектура ҳудудидидаги барча темир йўл транспорт тўхтаб қолган.

Ниигатада юз мингга яқин одам кўчиш пунктларида ёки қўлда, қодирлардан жон сақлашга мажбур бўляпти. Бир қатор ҳудудлар ичимлик суви ва электр қувватисиз қолди кетди. Алқа ва транспорт қатнови издан чиққан.

ҚОҚОҚЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Хитой полицияси Пекинда шимолий кореялик қочқоқларни қўлга олди. Аниқланишича, бу қочқоқлар хорижий дипломатик корпуслардан сиёсий бошпана сурашмоқчи бўлган экан.

Шимолий Кореянинг янгиликлар агентлиги хабар беришича, полиция, шунингдек, икки нафар Жанубий Корея фуқароси бўлган

шахсни ҳам қўлга олган. Тахмин қилинишича, айнан шу икки шахс қочқоқларга кўмак берган.

Охириги икки ой давомида Шимолий Кореялик юзлаб қочқоқлар Пекинда жойлашган хорижий элчихоналар ҳудудига «ташир» буюр-ган.

ТЕРРОРЧИЛИҚДАН КИМГА ФОЙДА?



Америкалик ҳарбий таҳлилчи Жон Робб замонавий террорчилик фаолияти кимларгадир фойда берувчи бизнесга айланган деган хулосага келди. Унинг фикрича, Ироқдаги кўзголончилик фаоли-

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА



Американинг USA Today газетаси ва CNN телекомпанияси буюртмасига асосан Гэллап институти томонидан ўтказилган сўровнома натижасига кўра, АКШ Президенти Жорж Буш машҳурлик борасида сиёсий рақиб Жон Керридан олдинда экан.

Олинган маълумотларга қараганда, 2 ноябрь куни Буш учун 51 фоиз сайловчи овоз беришга тайёр турган бўлса, Керри учун 46 фоиз сайловчи ўз овозини бермоқчи. Ўтган ҳафтадаги сўровлар натижасига кўра, Буш учун 52 фоиз, унинг рақиб учун эса 44 фоиз сайловчи овоз бермоқчи бўлган.

АКШнинг собиқ президенти Билл Клинтон Филадельфия шаҳрида ўтказилган митингга сўзга чиқиб, одамларни демократ Жон Керри учун овоз беришга қажирди.

ТАКРУЗ

Миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ равишда тадқиқ этиш ижтимоий фанларнинг муҳим вазифасига айланди. Шу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган Абдувоҳид Очилдиевнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар» номли монографияси бу мавзунини аниқлашга ҳақиқатан эриштирилган ҳолатда қўриқиб қолган.

Аслида бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини шиддат билан ўзгартириб юбораётган мураккаб жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ айрим методологик масалалар ҳали етарлича ўрганилмаган. Хусусан, миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро муносабатлар ривожидидаги ўрни ва имкониятлари алоҳида, яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Маълумки, мамлакатимизда кенг қамровли изоҳотлар кўп миллатлилик шароитида амалга оширилмоқда. Бу эса умумий мақсад сарф боришда барча миллат вакиллари манфаатига бирдек жавоб бера оладиган ғояларга таянишни талаб этиши табиий. Миллий истиқлол ғояси ана шундай умумий мақсад, бирлаштирувчи куч бўлиб майдонга чиққан сабаб унинг амал қилиш механизми ва

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

Миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ равишда тадқиқ этиш ижтимоий фанларнинг муҳим вазифасига айланди. Шу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган Абдувоҳид Очилдиевнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар» номли монографияси бу мавзунини аниқлашга ҳақиқатан эриштирилган ҳолатда қўриқиб қолган.

Аслида бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини шиддат билан ўзгартириб юбораётган мураккаб жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ айрим методологик масалалар ҳали етарлича ўрганилмаган. Хусусан, миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро муносабатлар ривожидидаги ўрни ва имкониятлари алоҳида, яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Маълумки, мамлакатимизда кенг қамровли изоҳотлар кўп миллатлилик шароитида амалга оширилмоқда. Бу эса умумий мақсад сарф боришда барча миллат вакиллари манфаатига бирдек жавоб бера оладиган ғояларга таянишни талаб этиши табиий. Миллий истиқлол ғояси ана шундай умумий мақсад, бирлаштирувчи куч бўлиб майдонга чиққан сабаб унинг амал қилиш механизми ва

ибратли жиҳатлари янада чуқурроқ очиб берилган. Мазкур тадқиқотда, шунингдек, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг шаклланишида миллатлараро муносабатларнинг ўрни, кўп миллатлилик ва миллий сиёсат моделларининг ўзига хос хусусиятлари борасида ҳам кўпгина фикрлар баён қилинган. Мустақиллик шароитида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, миллатлараро тотувчи ғояси устуворлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам аниқ мисоллар асосида, ҳаётий далил ва соқилоқлар билан тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда ёритиб берилган.

Айниқса, «табиий-тарихий кўп миллатлилик», «ижтимоий-сиёсий кўп миллатлилик» ва «этносиёсий ватан» каби тушуналари илмий муаммага киритилгани, Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат моделининг моҳияти тарихий ва замонавий жараёнларнинг қийсий таҳлили асосида ёритилгани ва энг муҳими, миллий ғоянинг бирлаштирувчилик ва йўналтирувчилик роли очиб берилгани китобнинг илмий қимматини янада оширган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур монографиянинг ўз аксини топган фикр-мулоҳазалар, илмий хулосалар, таҳлил ва таққинлар мустақиллик шароитида шакллانган миллий сиёсат модели ҳамда миллатлараро тотувчи ва ҳамжиҳатликнинг Ватанимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш, халқимизнинг эзгу мақсадларига эришишдаги ўрни ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаб етишга хизмат қилади.

Муҳаммад ЖАКБАРОВ, фалсафа фанлари доктори, Абдугани ХОЛЕБЕКОВ, социология фанлари доктори

Анжуман

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА САФАРБАРЛИК ЗАРУР

КЕЧА ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА РЕСПУБЛИКА ГЕМОТОЛОГ ВА ТРАНСФУЗИОЛОГЛАРИНИНГ I-ҚУРУЛТОЙИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш соҳасида ўзига хос мактаб яратган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ер юзи аҳолисининг 2 миллиард нафари организмда темир моддаси тақчиллигидан келиб чиқадиган хасталикларга чалинган. Қолаверса, бугунги кунда Марказий Осиё ҳудуди аҳолиси ҳам кам қонлик, организмда темир моддаси тақчиллигидан келиб чиқадиган хасталикларга чалинган. Қолаверса, бугунги кунда Марказий Осиё ҳудуди аҳолиси ҳам кам қонлик, организмда темир моддаси тақчиллигидан келиб чиқадиган хасталикларга чалинган.

топган, бувам Андрей Иванович Воробьев ҳам тиббиётчи олим эди. Ва кўп умрини шу ерда ўтказган. Узимни ўз уйимда хис этяпман. Демак, шу халқнинг муаммоси меники ҳам. Мутахассис сифатида, аҳоли орасида камқонлик ва инсон организмда темир моддаси танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг кўп учраши ва муаммага айланиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Яна бир жиҳати, бугунги анжуман давлатлараро гематолог олим, мутахассисларнинг бошини бирлаштириди, ўзаро фикр алмаштириш, аҳоли билан яқинроқ танишган, қон препаратларини тайёрлаш ва даволашда қўлаш, камқонлик сабабини таҳлил этиш, ифлосланган қонни тозалаш масалаларида илмий, амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муштарак ҳаракатимизга боғлиқлиги яққол сезилиб қолди.

Абдуҳаким РАЙМЖОНОВ, академик, Қирғизистон Гематология илмий маркази директори:

— Қирғизистонда ҳам бу соҳада муаммолар мажхуд. Зеро, бизнинг умумий муаммомиз — инсон организмда темир моддасининг тақчиллиги ва унинг оқибатида келиб чиқадиган қон хасталикларининг ортиб боришидир. Бизнинг Гематология илмий марказимиз мутахассислари Боткен, Ўш, Иссыккўл вилоятларида тадқиқотлар олиб бориб, аҳолининг ўртача 70-75 фоизи организмда темир моддаси етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликларга чалинган, болаларимизнинг эса 55-60 фоизи камқон эканлиги аниқланди. Бу хасталиклар Ўзбекистонда ҳам кўп учрайди. Умумий муаммомиз — лейкозлар, гемофилия каби масалалар, апластик камқонлик — суюқ кўмигидеги қон ишлаб чиқарувчи ҳужайралар фаолиятининг бузилиши касаллигини хозирча даволаш қийин. 30


йиллик иш тажрибамд а келиб чиқиб айтишим мумкин, бундай муаммоларни биргаликдаги нартаф қила оламиз. Илмий марказимиз денгиз сатҳидан 3200 метр баландликда жойлашган клиникага эга, ҳамкорликда беморларни қабул қилиб, даволашга келишяпмиз, шартномалар тўзаяпмиз. Мақсадимиз — бирлашиб халқ саломатлигини сақлаш йўлида сафарбар ҳаракатлар олиб боришимиз.

Олим МАЛИКОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қаршли Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг илмий лойиҳалар бўлими раҳбари, докторанти:

— Республикаимиз аҳолиси орасида камқонлик, организмда темир моддаси тақчиллиги хасталиги кўп учрайди. Шунингдек, бундан ташқари, камқонликнинг жигар хасталиги билан биргаликда келиб чиқадиган касалликлар ҳам муаммага айланиб борапти. Негаки, аҳоли, айниқса, болалар ўртасида вирусли гепатитга чалиниш ҳоллари кўп учрайди. Қўшни республикаларга нисбатан бизда шу касаллик илмий асосда чуқурроқ ўрганилаётганининг боиси ҳам шу. Яна бир муаммо — қондан ўзақ ҳужайраларни ажратиш олиб борапти. Қурултойда касбдошлар билан фикр алмашдик. Бугунги кун дунё тиббиётчилари олдида турган муаммо — суюқ кўмигидеги трансплантация қилиш — кўчириб ўтқиш масаласидир. Москва олим, профессор Савченко билан шу хусусда келишяпмиз, биргаликда республикамизда шу муаммони ечишга ҳаракат қиламиз.

Зотан, тинчлик, оқойишталик ва инсоннинг соғлиғидан мўҳим вазифа, юмушининг ўзи йўқ.

Саид САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири



«КИНОНИ ҚАЕРДА КЎРАМИЗ?»

ТОМОШАБИНЛАРИНИНГ БУ ҲАҚЛИ САВОЛИГА ҲОЗИРЧА ЖАВОБ ЙЎҚДЕК...

Яқингача Хоразмда кинотеатрларнинг саногига етиш қийин эди. Ўзлардан ортиқ кишлоқларда бир-биридан ҳашаматли кинотеатрлар, ҳеч бўлмаганда кино кўрсатишга мослашган маданият саройлари бўларди. Қачонлардир юзлаб киномуҳлисларга хизмат кўрсатиб келган бу масканлар бугун тадбиркорлар мулкига айланган. Бирларда қандайдир цех, яна бирларда эса... Ишқилиб энди кишлоқ ёшлар учун маданий ҳордиқ жойи бўлиши кинотеатрлар йўқлиги факт.

Кишлоқларни-ку, қўя турайлик. Шаҳарда аҳоли қандай? Масалан, вилоят маркази Урганч шаҳрида еттига ҳашаматли кинотеатр бўлгуси эди. Уларнинг олтидаси тўрт-беш йил муқаддам сотиб юборилди. Эндиликда собиқ кинотеатрлар биноларида бошқа хизмат ўчоқлари жойлашган. Бирисида ресторан, яна бирисида «тунги бар» дегандй.

Ҳозирча марказда яккаюғона кинотеатр бор бўлиб, унинг тақдирини ҳам ҳал бўлиш арафасида.

Урганч шаҳар «Киновидео» маъсуляти чекланган жамият мутасаддиридан бу ҳақда сўраб кўринг — дарҳол филонлари фалакка ўрлайди.

«Жамиятимиз ҳисобида қолган яккаюғона кинотеатр биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девоннов номига қўйилган. Уни ҳам сотиш ҳара-

катига тушишган. Агарда-бу кинотеатрни шу соҳа мутахассисига сотишга, рози эдик. Аммо соҳага мутлақо яқин бўлмаган бир тадбиркорга аллақачон ваъда қилишди. Бу жаноб эса шаҳар марказидаги кинотеатр биносидан «тунги бар» очиб, пул ишлаш илми-жида. Бу ҳақда ағзимизни айтиб борманг даргоҳимиз қолмади...»

Бу бино қирқ йил муқаддам қурилган бўлиб, ўз вақтида кинооператор номига қўйилган ягона кинотеатр ҳисобланган. Худойберган Девонновнинг айнан шу соҳани ривожлантиришдаги хизматлари эса тарихдан маълум.

Тўғри, кинотеатр биносининг фақат ўн беш фойз улushi жамият ҳисобиди. Сақсон беш фойзи эса Давлат мўлк қўмитасига тегишли. Аммо, шу йил 17 мартда чиққан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекино Миллий агентлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига кўра, вазирлик шаҳарда битта кинотеатрни сақлаб қолиш ҳақида махсус хат ҳам юборган. Аммо, қўмитадагилар на бу қарорга, на мулкнинг бир қисмига қонуний эга бўлган жамият аъзолари норозилигига қўлоқ олмади.

«Киновидео» МЧЖ аъзолари ўтган йил охирида йил-йили ўтказиб, кинотеатр биносини қайта баҳолаб жамиятга сотиш ҳақида Давлат

мўлк қўмитаси вилоят бўлимига мурожаат қилишган эди. Аммо бошқарма бошлиғи О.Каримовдан рад жавоби олинди, бошқарма эса ўз улushi бўлган 85 фойзининг олти фойзини бир тадбиркорга сотишга қарор қилди.

«Биз гўё республика Кўчмас мўлк биржаси орқали сотилган ана шу улushi ҳақида бинони сотиб олган одам келиб ҳаммамизни ҳайдаб чиқармоқчи бўлганидан сўнг билдик. Вазирлар Маҳкамасининг 368-сонли қароридан савдога қўйилмаж мулкни агарда жамият аъзоларидан биронтаси олмас, жамият аъзолари биргаликда олиши мумкинлиги айтилган. Бизлар эса бундан баҳабар қолишимизнинг ўзи қизиқ», — дейди бу йиллардан хайрон бўлган жамият аъзолари.

Май ойида жамият таниқли бир кинотеатрнинг маҳсулотларини намойиш қилиш учун олиб келганда... мулкнинг гўёки янги эгаси бўлган шахс «Мен бинони сотиб олдим, таъмирламоқчиман», деган ваз билан фильмни намойиш этишга йўл қўймади.

Энди ўз умрини узок йиллар шу соҳага бағишлаган, хозирда нафақадан бўлган Абдулла Юсуповнинг фикрларига эътибор қилинг: «Мени афсуслангандан нарсаси — сўнгги кинотеатрнинг ҳам соҳага алоқасиз одамларга сотилиши бўлди. Ҳеч бўлмаганда ўзбек

кино санъати ривожига ҳисса қўшган Худойберган Девоннов хотирасини шу тахлит оёқсоти қилмаслик керак эди...

Абдулла Юсупов — Худойберган Девонновнинг авлоди. Бобоси хотираси ҳурмати учун бугун куйинчаклик билан идрора-идора юрибди. Аммо унинг дардини тинглайдиган одам хозирча топилгани йўқ.

«Олтин мерос» халқаро жамгармаси вилоят бўлими раиси Комил Нуржонов Худойберган Девоннов хотираси ҳурмати ҳақи кинотеатрни сотмаслик, балки шу тармоққа хизмат қилувчи жамият ихтиёрида қолдиришни сўраб кўп жойларга мурожаат қилибди. Вилоятда унга ҳам Унқўрғонни... йўғ-ей, Тошкентни кўрсатишибди, шекилли шу кўнларда роса хуноб бўлиб юрибди.

«Майли, боболар руҳини безовта қилишдан қайтмайди-ганлар ҳар хил баҳоналар илми-жида шу номаъқулчиликни қилишсин. Аммо, мен маблаг тўплаб қайтадан Худойберган Девоннов номида кинотеатр қурдиришга бош бўлмасам, отимни бошқа қўяман!» — дейди у.

...Биз эса ҳарқалай, хозирча умидвормиз. Агарда умидимиз пучга чиқса, Комил га қурдиражак кинотеатрга ҳеч бўлмаса бир-икки гишт узати туришга кўчимиз етар.

Рўзимбой ҲАҲАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бокс

РУСЛАН ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

Профессионал бокс бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳамюртларимиз мўҳим жангларда кетма-кет галабаларга эришиб, ўзбекистонлик бокс илосмандларини хушнуд этмоқда. Яқинда Тезур Иброҳимов америкалик Шон Робинсонга қарши жангда WBC Feacarbox чемпионилик камарини қўлга киритган эди.

Энди яна бир ўта оғир вазни чарм қўлқоп устаси - Руслан Чагаев спортчиларимизнинг галабали олимларининг давом эттирди. Ҳаваскор бокснинг ўртасида икки қарра жаҳон чемпионилигини қўлга киритиб, профессионал бокс билан шуғулланган Руслан Чагаев машгулотлари Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказмоқда. Унинг 26 октябрдаги жанги ҳам Германияда - Росток шаҳрида бўлиб ўтди. Бу гал Руслан Чагаев америкалик Вилли Вильямс билан куч синашди.

Гарчи беллашув саккиз раундга мўлжалланган бўлса-да, Руслан Чагаев жангни мудатидан олдин аюулашга муваффақ бўлди. Учинчи раундда Русланинг кетма-кет йўллаган аниқ, кучли ва залворли зарбаларини ўқиб олган Вилли рақибини зўрлиқни тан олишга мажбур бўлди. Учрашуви бошқарган рефери америкалик боксчи ўзбек спортчисига қаршилик кўрсатолмаслигини маълум қилиб, беллашувни тўхтатди ва боксчимизнинг қўлини баланд кўтарди.

Профессионал рингдаги дастлабки жангини 1997 йилнинг 21 августда ўтказган Руслан Чагаев бугунги кунда ҳам сонли энгилмас профессионал боксчилардан ҳисобланади. У ўн тўртта жанг ўн учтасини ўз фойдасига ҳал қилган, бир учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Рақибларини ўн бир марта нокаутга уратган Руслан Чагаев жаҳон рейтингига олтиши олтичи ўринда бормоқда.

Зохир ТОШЎҲАЖЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Футбол

ОМАД ЮЗ ЎГИРДИ

Осиё футболда чемпионлар лигаси баҳслари алоҳида нуфузга эга. Мазкур мусобаканинг доимий иштирокчилардан бири бўлиши «Пахтакор» ярим финалда Жанубий Кореянинг «Сеоннам Чунма» жамоаси билан рўбарў келди.

Едингизда бўлса, ҳамюртларимиз ўтган йили ҳам ярим финал боксчиға чиққандилар, аммо Таиланднинг «Бектөр осано» клубига имконият бой берилган эди. Мана, «Пахтакор» яна ярим финалга чиқди ва кўпчилик жамоа тарихида янги саҳифа очилишига умид боғлаган эди. Бу галги рақибимиз ҳам аввалгиларига қараганда анча кучли жамоа. Таркибда терма жамоанинг етакчи футболчилари ва бир қанча легионерлари жамлаган «Сеоннам Чунма» мамлакат чемпионатининг олти қарра голиби бўлган.

Анвар САМАДОВ

Интер-спорт

КЎПОЛЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАНДИ

Англия футбол уюшмаси «Манчестер Юнайтед» жамоасининг ҳужумчиси Рууд ван Нистелройни кўполлиги учун жазоланди. Голландиялик бу тўпур «Манчестер»нинг «Арсенал» билан учрашувда кўполликка йўл қўйиб, ҳамончи Эшли Коулни йикитиб юборгани учун бир йўла учта учрашувда иштирок этмайдиғи бўлди.

ЦЭЮГА АТАЛГАН МИЛЛИОНЛАР

Россия — Австралия боксчиси Константин Кличко билан унинг рақибини Дэнни Уильямс матбуот конференциясида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. «Ўз унвонимни ҳимоя қилиш учун бўладиган дастлабки жангимни Тайсондан устун келган боксчи билан ўтказаятганимдан мамнунман, — дейди Виталий. — Мен бу учрашуви телевидение орқали томоша қилдим ва Дэннинг ҳаракатлари менда яхши таассурот қолдирди. Мен у билан бўладиган жангга хозирлик қўришни бошлаб юбордим. Уйлайманки учрашув бўладиган 11 декабрда қадар шайлигим тобига етади. Мақсад қандай бўлмасин Тайсондан кучли эканимни кўрсатиб, жаҳон мутлақ чемпиони унвоинга эга бўлиш».

ТАЙСОНДАН КУЧЛИ ЭКАНИ...



WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазни жаҳон чемпиони, украинлик боксчи Виталий Кличко билан унинг рақибини Дэнни Уильямс матбуот конференциясида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. «Ўз унвонимни ҳимоя қилиш учун бўладиган дастлабки жангимни Тайсондан устун келган боксчи билан ўтказаятганимдан мамнунман, — дейди Виталий. — Мен бу учрашуви телевидение орқали томоша қилдим ва Дэннинг ҳаракатлари менда яхши таассурот қолдирди. Мен у билан бўладиган жангга хозирлик қўришни бошлаб юбордим. Уйлайманки учрашув бўладиган 11 декабрда қадар шайлигим тобига етади. Мақсад қандай бўлмасин Тайсондан кучли эканимни кўрсатиб, жаҳон мутлақ чемпиони унвоинга эга бўлиш».



Суратда: Тошкентдаги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг қурултойда иштирок этаятган бир гуруҳ олим ва мутахассислари.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

«ЭСКИ ЖУВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ ХАБАРИ

Хабар тартиб рақами 09.

«ESKI-JUVA» Dexqon bozori

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 29 сентябрдаги №708-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин ва ижроси жамият Казутов кенгаши ва ижроия органига юклатилсин.
2. Жамият Низомининг янги миқдори жамият томонидан аввал бекор қилинган ҳокимият улushi ҳисобига, яъни 259611,0 миң сўм ва «Эски жува бозори»ни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида унинг тасарруфидан бўлган қурилиши туғалланмаган қиймати 1996 йилги нарх-

лардаги 90900,0 миң сўмлик Кўчмас мўлк ҳисобига жамиятнинг янги Низом жамгармасининг қиймати 415700,0 миң сўм миқдорига тасдиқлансин: рози 5 нафар акциядор — 37146 овоз, қарши 56 нафар акциядор — 9101 та овоз, бетараф йўқ, нотўғри деб топилад бюллетен 11 нафар акциядор — 965 та овоз.
4. Жамият ижроия органига жамият тасвис ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришларни киритиш юклатилсин.
2004 йил 21 октябр кунини чоп этилган эълонга қўшимча равишда киритилган ўзгартиришлар.
Казутов кенгаши

ча ва ўзгартиришлар киритилсин. Рози 5 нафар акциядор — 37146 та овоз, қарши 56 нафар акциядор — 9101 та овоз, бетараф йўқ, нотўғри деб топилад бюллетен 11 нафар акциядор — 965 та овоз.
4. Жамият ижроия органига жамият тасвис ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартиришларни киритиш юклатилсин.
2004 йил 21 октябр кунини чоп этилган эълонга қўшимча равишда киритилган ўзгартиришлар.
Казутов кенгаши

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

СУВ — ТИЛСИЗ ЁВ

«Ўт билан сув — тилсиз ёв»; «Сувнинг иши — ўпирмоқ, ўтнинг иши — қуйдирмоқ»; «Сувнинг кўриниши мулоийм, бағри — тош»; «Сув гарчи секин, мулоийм, беозор оқани билан, сузишни билмаган ё эҳтиёт бўлмаган кишини гарқ қилади», дейилмоқчи»; «Сувнинг ози ҳам бир бало, қўни ҳам бир бало»; Сувнинг, ўтнинг ана шундай хавфлигини таъкидлаб, ундан сақланиш чораларини кўриш зарурлигини ўқитганлар: «Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг сақла»; «Сувдан олдин — тўғон»; «Сув ўпириб кетган тўғонни дўппи билан бекитиб бўлмас»; «Сув келмай банд ташла»; «Сердароҳт қишлоқни сел олмас».

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти жамоаси Тошкент вилояти тери-таносил диспансери бош шифокори С.Н.Саиповга олти Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти клиникаси собиқ бош шифокори Саид Назарович САИПОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana») Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Muslihidin MUHIIDDIN Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbati: Alijon ABDURAHMONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Javlon RASULEV

«Shart» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonada chop etildi. Korxonada mavjli: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida OOB-raqam bilan to'xtatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

7337 nusxada bosildi t — Tижорат materiali O'ZA yakuni — 21.00. Topshirish vaqti — 23.15 2 3 4 5 6 Setuvda erkin narxda